учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти-217 га ўзгартиришлар киритиш хакида

Таълим жараёнига ўкитишнинг замонавий услубларини жорий этиш, ўкувчиларда мустакил билим олиш кўникмаларини ривожлантириш хамда Ӱзбекистон Республикаси Президентининг «Ӱзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий курсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўгрисида» 2011 йил 30 декабрдаги ПК-1675-сон карорини бажариш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қилади:

- 1. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сон қарори билан тасдикланган Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор билан киритилаётган ўзгартиришлар 2012 йил 2 сентябрдан бошлаб кучга киради.
- 3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари, тасарруфида умумий ўрта таълим мактаблари бÿлган вазирликлар ва идоралар 2012/2013 ÿқув йилидан бошлаб синф (аудитория) машгулотлари ўртача 5 фоизга камайтирилиши хисобига бушайдиган маблагларнинг ўқув жараёнига ахборот ва бошқа замонавий педагогик технологияларни татбиқ этишни кенгайтириш, компьютер, ўкув-лаборатория синфлари ва ўкув устахоналари учун сарфланадиган материаллар ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш буйича дастурларни, шунингдек умумтаълим мактаблари биноларини жорий таъмирлашни молиялаштиришга йуналтирилишини таъминласинлар.
- 4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 15 май, 130-сон

20 (520)-сон — 11 —

217-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 майдаги 130-сон қарорига ИЛОВА

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига киритилаётган ўзгартиришлар

«Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўкув режаси» бўлими ва унга илова қилинган 1-ва 2-жадваллар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ЎКУВ РЕЖАСИ

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўкув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, таълим соҳаларини меъёрлашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир (жадвал). Таянч ўкув режаси ўкув фани бўйича бериладиган таълим мазмунини ўкувчига етказиш учун ажратилган ўкув соатларининг энг кам ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўкув фани бўйича давлат стандартларига мувофик бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади:

T/p	Ўкув фанлари	Синфлар									Хафталик
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	умумий соат
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254
1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3.	Хорижий тил					3	3	3	3	3	15
4.	Тарих					2	2	3	3	3	13
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6.	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8.	Информатика								1	2	3
9.	Физика						2	2	2	2	8
10.	Кимё							2	2	2	6
11.	Биология					1	2	2	2	2	9
12.	Табииёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13.	Одобнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйгуси					1	1				2
	Миллий истиклол гояси ва маънавият асослари							1	1	1	3
14.	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16.	Чизмачилик								1	1	2
17.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5
	Умумий соатлар	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

